

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

КИТОБ ВА МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2010

78.342

К 47

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

М. Матмуродова

Муҳаррир

Шукур Қурбон

Масъул муҳаррир

Ҳ. Маматраимова

Китоб ва мутолаа маданияти: Методик-библиогр. қўлланма /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмуродова; Муҳаррир Шукур Қурбон; Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. - 44 б.

КБК 78.342+78.303

Китоб, унинг моҳияти, уни танлаш ва мутолаа қилишга бағишланган мазкур методик-библиографик қўлланма мутафаккир ва алломалар, ёзувчи ва шоирларнинг фикрлари асосида тайёрланди. Қўлланмада китобхонликка оид асарларни чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

Муқаддима

*Мутолаа калланг ўрнига бошқанинг
калласи билан ўйламоқ демакдир.*

Артур Шопенгауэр

Китоб - руҳиятимиз озуқаси, у билан дўстлашиш кишини нафақат юксалтиради, балки унга жаҳонни танитади, ҳамроҳлик қилади, эзгуликка етаклайди.

"Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман", - дейди Президентимиз Ислом Каримов бир нутқида. Ушбу "умуммиллий ва умумдавлат миқёсидаги вазифа"ни бажариш ишига ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар ҳам даъват этилгани ўз-ўзидан равшан. Маълумки, юртимиз аҳолисининг 60 фоизга яқинини ёшлар ташкил қилади. Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарга китоб мутолаа қилиш учун ҳам асосан, ёшларимиз келади. Демак, ёш авлодни Ватанга, Ўзбекистон халқининг урф-одатлари ва анъаналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш жараёнини ривожлантириш ва чуқурлаштириш имконини берувчи китобларни мутолаа қилишга ундаш, тарғиб қилиш ва бу йўналишдаги фаолиятнинг янги шаклларини топиш зарур.

Бу борада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар китобхонлар конференциялари, шеърхонлик, давра суҳбати, савол-жавоб кечалари, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, китоб кўргазмалари ташкил этиш ва кўргазмадаги адабиётлар обзорини ўтказиб бориши лозим. Шунингдек, "Ахборот кунлари", "Янги китоблар куни" каби турли-туман тадбирлар шаклларидадан фойдаланиш мумкин.

Китоб - билим манбаи

Китоб - инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас деб ҳисоблаган. Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Айниқса, буни доноларнинг ўғитлари, ёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, халқнинг анъанавий тарбия усулларида акс этган китоб билан боғлиқ хилма-хил ҳаётий расм-русумлар, удумлар ва урф-одатлардан ҳам билиш мумкин. Халқ китоб ҳақида нақл-ривоятларгина эмас, балки кўплаб мақоллар, афоризмлар, топишмоқлар, ҳикматлар ҳам яратган. Жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг китоб ҳақидаги ушбу мисраларини келтиришимиз мумкин.

Билимдонлар сўзи бордур бу бобда:
"Билимдон гўрда-ю, илми китобда!"
Агар ёлғиз эсанг, ҳамдам китобдур,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдур.

Китоб ва китобхонлик ҳақидаги халқ анъанавий пандномаси билан улуғларнинг дунёқарашини, мулоҳазаларини бир-бирига жуда яқин, бири иккинчисини тўлдирди. Бу ҳол китобнинг катта маънавий кучга эгаллиги, китобхонлик инсон учун юксак мезон экани билан изоҳланади.

Китобхонлик тор маънода китоб ўқишни билдирса, кенг маънода танлаб ўқиш, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. У бадий адабиёт, адабий танқид ва педагогика кўмагида юксала боради.

Китобхонлик кеча ёки бугун туғилган эмас. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк", Абу Абдулло ал-Хоразмийнинг "Мафатих ал-улум", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий", Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ" ва Алишер Навоий, Заҳириддин Бобурларнинг қатор асарларида китобхонликка оид қимматли фикрлар баён қилинган. Жумладан, "Қисаси Рабғузий" муқаддимасида муаллиф шундай ёзади: "... пайғамбарлар қиссаларига гоят рағбатим бор. Текма ерда, текма ким эрса-да, бўлинув баъзиси

мустақим бор, баъзиси номустақим. Бир ангаси муқаррар ва бир ангаси мубаттар бор. Бир озининг сўзлари кесук бор, бир озининг мақсудлари ўксук. Эмди санинг зиммангдин чиққан, қаламунгдан оққан, китобатма санинг, иборатма санинг бўлуб, "Қисас ул-анбиё" бўлса, ўкумоққа кераклик, ўрганмоққа яроғлиғ бўлғай эрди, теб илтимос янғлиғ ишорат бўлди эрса нечама ўзумни ул ишга лойиқ, ул амалга мувофиқ эрмасин теб, бу оғир ишга ўградимиз (киришдик, кўл урдик)".

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, китобхонлик адабиётшунослик ва таълим-тарбиянинг муштарак ва муҳим соҳаси сифатида, шубҳасиз, чуқур изланишларни тақозо этади. Унинг ривожини адабиётнинг тараққиёти билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Кишининг маданияти унинг китобида акс этади. Шу маънода бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компьютерга берилиб кетди. Компьютер ҳозирги кунда кўпгина хонадонларга ҳам кириб келган. Исталган янгилигу ахборотларни бу воситалардан хоҳлаганча олиш мумкин. Ачинарлиси, бугун китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофильм бадиий асар ўрнини босолмайди. Масалан, "Ўтган кунлар" романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, китобнинг таъсирини, жозибасини беролмайди.

Китобхонлик оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ. Маърифатли оилаларда китобга эътибор фарзандлар тарбиясида кўл келади.

Китобни инсон тафаккурининг қанотларига ўхшатишган. Зеро, тафаккури, фикр доираси кенг, маърифатли кишилар жамиятнинг чинакам бойлигидир. Аксинча, ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимасликнинг аччиқ меваси. Темирни занг кемирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мўрт қилади. Маънавият эса инсонга китоб ўқиш орқали юқади.

Ҳар қандай янгилик ҳам бир кун эскиради. Бироқ инсониятнинг минг-минг йиллар давомида кўлга киритган ақлий ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоблар асло эскирмайди.

Бинобарин, китоб-ҳамиша илм-маърифат, адаб ва ахлоқ манбаи бўлиб келган. Бугунги кунда ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам китобдан кўра қудратлироқ восита йўқ.

Мутолаа ва мутолаа маданияти

*Мутолаа инсонни билимдонлик сари,
суҳбат топқирлик сари етаклайди.*

Фрэнсис Бэкон

Мутолаа арабча сўздан олинган бўлиб, диққат билан ўқиш, ўрганиш деган маънони билдиради.

Тарихдан маълумки, инсон тараққиёти йўлида эришган даражасидан ҳеч қачон орқага қайтган эмас. Қадим аждодларимиз ҳатто тасаввур қилолмаган гаройиботлар ҳозир кўз ўнгимизда содир бўляпти. Демак, имкониятларнинг чеки, орзу-умидларнинг адоғи йўқ.

Китоб мутолааси ҳақида Гёте шундай фикр билдиради:

а) ниҳоятда машаққатли (дарҳақиқат, китоб мутолааси кишидан кунт ва сабр, кучли хотира ва юксак фаҳм талаб этади);

б) беқиёс шарафли (китоб мутолааси туфайли ҳаёт қонуниятларини чуқур англай борган, билим доираси кенгайиб, тушунчаси, дунёқарashi ўсган, маънавий жиҳатдан юксалган);

в) ҳузурбахш (акс ҳолда, китоб мутолааси билан муттасил шуғулланмаган бўларди).

Китобхонлик ижодий иш ва у доимий шуғулланишни тақозо этади, десам, эҳтимол кўпчилик ишонмас. Сиз бадиий асар ўқишга эндигина киришаётган бўлсангиз, дастлабки пайтларда воқеалар оқимини қизиқиб кузатасиз. Бу қизиқиш эса аста-секин ўша воқеа ва ҳодисалар тасвиридан тегишли хулоса чиқаришга йўллайди.

Асарда тасвирланган воқелик билан ҳаёт воқелигини фарқлаш жонли мулоқот натижасидир. Китобхон уларни таққослаш учун бош қотиради - ўйлашга мажбур бўлади. Шу жараёнда асар воқелигини ҳаёлида қайта жонлантиради, қаҳрамонларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўради, муайян хулосалар чиқаради. Кўринадики, у ҳам ўзига хос ижод қилади.

Китобхоннинг ижодкорлиги ёзувчи маҳоратига, яна ҳам тўғрироғи, бадиий асар савиясига боғлиқ.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, социология фанлари доктори А. Умаров "Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт" монографиясида шундай дейди: "Мутолаа" сўзи, аслида, арабча "ўқиш" деган маънога эга бўлса-да, бизнингча, бугунги кунда у китоб ўқишдан кўра кенгроқ тушунчани англатмоқда.

Шунингдек, жамиятда мутолаа маданиятининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланишида ҳам умумий маданиятнинг, яъни аҳолининг ялпи ижтимоий, иқтисодий, маънавий тайёргарлик даражасининг ўрни ва роли беқийсдир. Шундай қилиб, қайд этиш жоизки "мутолаа маданияти умумий маданиятнинг ҳосилавий кўринишидир".

Мутолаа маданияти эса, ўз навбатида, китобга қизиқиш, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбати, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишида кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади.

Мутолаа маданияти кишининг манбани тўлақонли тушуниши, ундан эстетик завқ олиши, муаллиф фикри ва гоёсини англаши ҳамда уни баҳолай олиши каби хусусиятларга эга бўлишни таъминлайди. Китобни танлаш, уни ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради.

Инсон ҳаёти давомида турли манбалар - китоблар (бадий, илмий, ўқув, энциклопедик ва бошқа), оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва шу кабилар), замонавий ахборот технологиялари (Интернет, электрон китоб, электрон газета, журнал-қўлланма ва ҳоказолар), субъект билан бевосита мулоқотга киришувчи шахслар (оила аъзолари, иш ёки ўқиш жойдагилар, кўникўшилар ва бошқа инсонлар) орқали эга бўлинадиган турли йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотларни бир-бирдан фарқлаш лозим бўлади.

Ҳар қайси даврда мутолаа маданиятини шакллантириш биринчи ўринда оилада ўз аксини топиш лозим бўлган ва ҳозир ҳам ана шунга тақозо қилмоқда. Жумладан, оилада шахсий кутубхона ташкил этиш, уни янги нашрлар билан тўлдириб бориш биринчи омил саналади. Кимдир шахсий кутубхонаси фондиди бойитишни ва ундан фойдаланишни афзал билса, кимдир китоб мутолаа қилиш учун кутубхонани танлайди. Тўғриси айтганда, ёшлар ўртасида китоб мутолаа қилиш, китобга бўлган қизиқиш бироз сусайгандек гўё. Бироқ замон билан ҳамнафас бўлиш, шиддат билан кечаётган тараққиёт жараёни бу муаммони ўз-ўзидан бартараф этди, десак муболаға бўлмас.

Ҳозирги кунда мутасадди ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, китоб мутолааси, унинг кадр-қимматига бағишланган турли тадбир ва анжуманларнинг ўтказилиши бунга муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Китобсиз илму маърифатга эришишни, илмий маърифатсиз эса тўқис жамият қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, ҳамма нарса инсоннинг билимига, маънавий камолотига бориб тақалар экан, китобхонлик анъаналарини ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ўта зарур вазифалиги ўз-ўзидан аён.

Мутолаа байрами

Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва бошқа бир қанча ташкилот ва марказлар ҳамкорлигида дастлаб 2003 йил 20 сентябрдан 30 сентябргача республикамызда "Китобхонлик куни" деган умумий ном остида туркум тадбирлар ўтказилди.

Бундан кўзланган мақсад: ватандошларимиз, биринчи навбатда, ёшларимиз орасида мутолаа маданиятини кўтариш, нашриётчилик фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисининг кенг қатламларини янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш, ахборот олишнинг янгича технологиялари билан таништириш ва уни тарғиб қилишдан иборат эди.

2003 йил 20 сентябр куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси базасида ташкил этилган Ёшлар ахборот-ресурс марказида мактаб ўқувчилари ва китобхонлар иштирокида "Нима? Қачон? Қерда?" ўйини ўтказилди. Тадбирда "Нима? Қачон? Қерда?" клубининг шаҳар Президенти Роман Алиев иштирок этди ва ўз истакларини билдирди.

Бундан ташқари кутубхоналарда янги бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари, турли танловлар бўлиб ўтди.

2003 йилда ўтказилган "Китобхонлик куни" материаллари тўпланиб, Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида "Китобхонлик куни - 2003" тўплами нашр этилди.

2004 йил сентябр ойида ҳам "Китобхонлик куни" республикамыз кутубхоналари ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида турли қизиқарли тадбирлар билан ўтказилди. Бундай "Китобхонлик куни"да кутубхонанинг барча бўлимлари ўзларининг чиқишлари билан фаол қатнашдилар. Масалан, Ёшлар ахборот-ресурс маркази ва китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимларида китобхонлик кунларида турли кеча, билимдонлар

беллашуви, давра суҳбатлари, турли мавзуларда кўргазмалар ташкил қилинди. Жумладан, китобхонларга "Қизиқарли библиография" ("Занимательная библиография") интеллектуал ўйини жуда ёқди. Унда кутубхона ходимлари ўртасида библиография соҳасига тегишли қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Шунингдек, байрам кунларида 150 дан ортиқ ўқувчи ва китобхонлар кутубхона фонди ва унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Автоматлаштириш ва ахборот технологиялари бўлимининг мудирини Н. Мардиев "Китобхонлик куни" байрами доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондидаги электрон каталог ва электрон маълумот базаларининг тақдимоти ўтказди.

"Китобхонлик куни" байрами 2005 йилдан "Мутолаа байрами" деб номлана бошланди.

Илмий методика бўлими ходимлари "Мутолаа байрами" мавзуида методик-библиографик қўлланма тайёрлаб, 2005 йилда нашрдан чиқарди. Ушбу қўлланмада республикамизнинг баъзи вилоятларида ўтказилган "Китобхонлик куни" ҳақидаги маълумотлар, "Мутолаа байрами" муносабати билан ўтказилган тадбирлар туркуми берилган.

"Мутолаа байрами - 2005", "Мутолаа байрами - 2006", "Мутолаа байрами - 2007" байрамлари ҳам қизиқарли ва мазмунли ўтказилди. Турли мавзуларда интеллектуал ўйинлар, давра суҳбатлари, китоб кўргазмалари ўтказилиб, йил сайин мазмун жиҳатдан бойиб борди.

Масалан, "Мутолаа байрами - 2007" ҳам ёшларимиз орасида мутолаа маданиятини юксалтириш, нашрнинг фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисининг янги ахборот технологияларидан фойдаланиши ҳамда уларни қўллаш, ахборот олишнинг янги усуллари билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жумладан, иқтисод фанлари доктори, профессор Муҳаммадали Саидов ва бошқа олимлар томонидан "Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли лугати" ҳамда филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидийнинг "Наманган адиблари" номли китобларининг тақдими, "Билим манбаи - китобни севинг" китоб- расми кўргазмаси ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги электрон ресурслари тақдими ўтказилди. Шунингдек, "Мутолаа байрами - 2007" тадбири доирасида етук маданият ва санъат арбоблари, машҳур шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, мутолаа маданиятини, китобхонлик кўникмаларини ҳосил қилишнинг усул ва услубларига бағишланган анжуманлар, адабиётларнинг очиқ кўргазмалари,

дарслик, журнал, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумот базаларининг тақдимоти ўтказилди.

"Мутолаа байрами - 2008" ва "Мутолаа байрами - 2009" байрамлари ҳам сентябр ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилди. Энг муҳими, "Мутолаа байрами" доирасида нафақат китоб ўқишга шунчаки даъват қилиш, балки турли-туман шаклларда амалга ошириладиган бир қатор тадбирлар режалаштирилди ва булар кетма-кетликда амалга оширилди.

Байрамнинг очилиш кунида Ўзбекистон ёш шоир ва ёзувчилари билан учрашув, шунингдек, "Китоб оламини ёритади" мавзuida китоб-расми кўргазмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг тарихи, унинг бугуни ва келажаги ҳақида кутубхоначилик дарслари, мутолаа маданияти масалалари бўйича интеллектуал тренинг, АКТ саммит доирасидаги Республика илмий-амалий семинари, С. Азизовнинг "Марказий Осиёда астрономия ва Улуғбек мактаби" номли китоби тақдимоти, Россия Давлат кутубхонасининг "Диссертациялар электрон кутубхонаси", Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ресурслари намойиши, баҳс-мунозара, савол-жавоб кечалари, "Тошкент - 2200 ёшда" мавзuidaги электрон библиографик кўрсаткич намойиши, У. Ф. Каримов ва М. А. Раҳматуллаевнинг "КАРМАТ" автоматлаштирилган кутубхона тизими" ва М. А. Раҳматуллаевнинг "Масофавий таълимнинг етти жиҳати" китобларининг тақдимоти ўтказилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, "Кутубхона - халқлар ўртасидаги ахборот кўприги" тадбири доирасида Ўзбекистондаги Хитой элчихонаси томонидан тақдим этилган адабиётлар тақдимоти катта аҳамият касб этди. Тақдимотда Ўзбекистондаги Хитой Халқ Республикасининг Фавқулудда ва мухтор элчиси жаноб Юй Хун Цзюнь сўзга чиқиб, ХХР ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги, ёшлар орасида китоб ва кутубхоналарнинг ўрни, шунингдек, ХХР Миллий кутубхонаси ва кутубхоналар тизимининг таълим соҳасидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтди.

Жаноб Юй Хун Цзюнь Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига совға тариқасида берилган адабиётлар китобхоналарга керакли маълумотлар олиш учун фойдали бўлади деган умидли фикрларини билдирди. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ХХР элчихонаси ва Хитой кутубхоналари ўртасида шериклик алоқаларини янада ривожлантиришни таъкидлаб ўтди.

"Китоб - ҳаётни ўргатувчи мураббийдир"

Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиффор айтади.

Ҳадисдан

Илм ибодатдан афзалдир, у динни тутиб турувчи устундир.

Ҳадисдан

Илм икки хилдир: бири қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси тилдаги илм бўлиб, у Тангри ҳузурда банда зарарига далил бўлади.

Ҳадисдан

Китоб олимлар фикрининг паноҳгоҳи, доно кишилар бўстонининг чамани, оддий кишиларнинг томошагоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи боғ, кўнгли шикасталарга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошино, дардли кишилар дилига даводир.

Орифий китоб васфида қуйидагича тараннум қилган:

Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг, у китоб!
Сирни яширмайди ўқувчисидан,
Хабар берар сенга ёзувчисидан.
Хилватда сен билан бўлиб у улфат,
Жимгина қуради ёқимли суҳбат.
Ҳеч кимдан қолишмас билимли аҳбоб,
Ундан сўрамасанг, бермайди жавоб.

Муҳаммад Жабалрудий

Кимки китобга кўп боқса, китоб унинг зеҳнини очади, завқини оширади, сўзга чечан қилади.

Китоб ёлғизликдаги энг мунис ҳамдамдир.

Китоб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам хабар берувчидир.

Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолга етказди.

Китоб одоб-ахлоқнинг қони, билимнинг эса булоғидир.

"Оталар сўзи"

Абу Бакр ал-Хоразмий ўлим тўшагида эди. Ундан:
Кўнглинг нимани хоўлайди, иштаҳанг нимани тусамоқда? -
деб сўрадилар.

У:

Китоб юзига бир қарасам! - деди.

"Фавоқиҳ ал-жуласо"

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бўлмас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.

Абдурахмон Жомий

Китобни бировдан қарз сўрагани
Оқиллар сафига қўшмай қўя қол,
У гоҳ қўйиндадир, гоҳи бағрида
Китоб эгасининг маҳбуби мисол.
Биров, китобингни бериб тур, деса,
Аблаҳлар сўзидек келади малол.

Алишер Навоий

Ҳамсуҳбат топмасанг, адаб боғин топ,
Баҳри дилинг очади ширин сўз китоб.
Шеър билан дўст бўлсанг, фикринг уйғотар,
Маъно гулобидин май - қадаҳ тутар.
Китобга дўст бўлсанг, илм-одоб келур,
Дўстликдан фароғат, лаззату сурур.

Абу Аҳмад ал-Котиб

Китоб (битик) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-
идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи
мураббийдир.

Амир Темур

Ўқимишли, саводли (кишилар) ундан фойдалансин деб
қўлланма учун китоб безадим.

Аҳмад Югнакий

Очсангиз варагини, кўрингусидир турфа боғ,
Жилва бергай кўзингизга навбаҳор фасли бу чоғ.
Шодлик босиб кўнгилни, ҳеч қолдирмайди доғ,
Доим бўстонни яшнатувчи боғбондир китоб.

Дилшод Отин

Тангри илтифоти менга бўлса ёр,
Китобни безаса нақши аржандий.
Умидим шулдирки, тортмайин малол,
"Гулистон" ўқиган чекмас дилтангий,
Ҳар нечук гул дилингни қилмас чоғ,
"Гулистонимдан" ол бир япроқ.
Гул замони беш-олти кундир, бас,
Бу "Гулистон" ҳамиша пок нафас.

Саъдий Шерозий

Сен каби мингларни кўрди бу жаҳон,
Улардан қолмади ном ила нишон.
Ҳикматдан назм-ла бир китоб битгин,
Ўзингдан ёдгорлик қолдириб кетгин.

Шаҳобиддин Абдукарим ўғли

Китоб етказур кишини бахтга,
Омоч соҳибини кўтарар тахтга.

Шайх Носиф

Эй, ҳаёт мазмунин излаган одам,
Ҳар бир китоб сатрин дилга қил малҳам.
Бедил "Рубоёт" ин сайр эт, топурсан,
Дарду ибрат, тасаввур, умр тадқиқин ҳам.

Бедил

Китоб берган одобни ота-онанг беролмас,
Дили сўқир китобдан одоб гулин теролмас.

Ш. Шомуҳамедов

Китоблар инсон тафаккури жавоҳирларини йиғиб, авлодларга мерос қолдиради.

Ойбек

Ҳар йили бугдой унар
шудгор шитобдан,
Худди шундай унар
илм китобдан.

Жосеф Жеври

Китоблар замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир.

Фрэнсис Бэкон

Китоб инсон кўз ўнгида номаълум фактларни очади.

Гершель Жонфредерик

Китобни қадрламоқ керак, бу тафаккур қасрига иззат-эҳтиром билан қадам қўймоқ лозим.

Герцен

Китоблар хазинаси, умуман олганда, ҳаётнинг ўзига хос бадий кўзгусидир.

Н. Рубакин

Жажжи бир
ўрмон,
Гўзалсан
китоб,
Ҳар варагингда
хушбўйлик,
гулоб.

Пабло Неруда

Китоб бўлмаса, китобдан ёғилиб турган зиё бўлмаса, инсон тараққиётининг ҳозирги ёруғ чўққисига етмас эди.

Фафур Фулом

Одий қоғоз эмас, асли, китоблар -
Тафаккурдан туғилган ҳур офтоблар!

О. Ҳожиева

Ҳаётни севган киши китобни севади, зеро, китоб - ҳаёт қомуси,
китоб - дардкаш, ҳамсуҳбат, китоб - муаллим, китоб - илҳомчи.

* * *

Ниҳолнинг вояга етиши учун сув нақадар зарур бўлса, одам
ақлининг баркамол бўлиши учун китоб шу қадар зарурдир.

Ё. Шукуров

Китобдан яхши дўст йўқдир дунёда,
Китоб кирган уйда нур, шуур яшар!
Қатрада дарё бор, қуёш - зиёда,
Сўз-камол сеҳрига сиғинар башар.

Н. Нарзуллаев

Ким китобни севса, у ҳеч қачон содиқ дўсти, ҳалоскор,
маслаҳатгўйи, қувноқ биродари, ҳақиқий юпатувчиси йўқлигини
сезмайди. Ўқиш, ўрганиш, фикр юритиш билан одам ўзини
беихтиёр овутади ва бўш вақтини ҳам ишқ, ҳатто тақдирнинг
барча қутилмаган ҳолларида ҳам кўнгилли ўтказади.

Барроу Исаак

Биз буюк зотларнинг руҳи яшайдиган китобларга шодликда ҳам,
ғамда ҳам, тўқлик ва қашшоқликда ҳам маслаҳатгўй сифатида кўнгил
очиш ва таскин олиш учун мурожаат этамиз.

Смайлс

Китоб энг олис ва зимистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб
турувчи сеҳрли чироқдир.

Андрей Упит

Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва
кучга куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади,
ақлни чархлайди ва юракни юмшатади.

Вильям Мейклис Теккерей

Китоб - сеҳргар. Китоб дунёни қайта қурди. Унда одамзоднинг
ақли мужассам, у - кишилиқ тафаккурининг устуни. Китобсиз
олам ёввойилар оламидир.

Н. Морозов

Китоблар орзу-истак туғдиради, уни ҳаётга чорлайди, кишини фикрлашга мажбур этади, муҳокамаларда мустақил бўлиш қобилиятини тарбиялайди.

Станислав Струмилин

Китоб - бу қудратли қурол. У бўлмаганда, мен соқов ва дудуқ бўлиб қолар эдим, ёшларга айтмоқчи бўлган ва айтаётган гапларимнинг юздан бир қисмини ҳам айта олмаган бўлардим. Ақлли илҳомбахш китоб кўпгина инсон тақдирини ҳал этади.

Сухомлинский

Юзларча, мингларча, миллионларча қўлёзма ва китобларда ёзиб қолдирилган кишилик тафаккурини тарихнинг ҳар қандай зил кетишлари-ю, замонларнинг бесас бўшлиқлари ҳам йўқотишга қодир эмас.

Константин Паустовский

Китобни танлаб, саралаб ўқиш китобхонлик маданиятини белгиловчи мезонлардан биридир.

А. Умаров

Китоб тарғиботи барча замонларда халққа илм-маърифат бериш, маънавий камолотга етаклашнинг қудратли ижодий қуроли бўлиб келган. Антик давр маданияти арбоблари Сукрот, Афлотун, Арасту, Геофаст, Плотин, Порфирий, Бозций, Шарқда ўрта асрларда Ал-Жоҳиз, Ҳусайн, Ибн Исҳоқ, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Ғаззолий, Ибн Туфайл, Ибн Руш, Саъдий, Навоий каби даҳо алломалар китоб воситасида илм олиб, маърифат тарқатганлар.

М. Маҳмудов

Баркамол авлодни вояга етказмоқ, қалбни тарбияламоқ учун уларни китоб билан ошно қилишимиз, китобни маёқ каби қўлларига тутқазмоғимиз керак. Қалб тарбиясини эса биз, катталар, ўзимиздан, шу бугундан бошлашимиз шарт. Уйга, фарзандларимиз олдига китоб билан кириб боришимиз эса уларни китоб оламига қайтариши шак-шубҳасиз.

Б. Султонова

Китоб - дилкаш суҳбатдош ва ажойиб қурол (ғоявий, маърифий қурол), дардларга шифо ва энг яхши кўнглихушлиқдир. Китоб ёзиш

- аъло даражали касб-хунар, у ноёб даромад, фойда келтиради (кўнгилни, руҳни бойитади). У - содиқ дўст ва азиз меҳмон. Китоб - энг яхши маслаҳатчи ва мураббийдир.

* * *

Китоб - арабистонлик табиб, Рим, Византия, Ҳинд, Форс ва Юнон тилларида сўзлашувчи азиз дўст. Китоб туфайли ўтмиш воқеалари ҳозиргидай, ўлиб кетганлар тирикдай гаплашади. Одамзод китоб туфайли авлодни охир билан, чалани бутун билан, пинҳонни ошкор билан, йўқларни борлар билан, юксакни тубан билан, (аълони бало билан), бир қиёфани бошқа бир қиёфа билан, аёлни эркак билан учраштиради. Енг учида олиб кетадиган боғларни, хаёлингда олиб кетувчи ўтлоқларни, марҳумларни гапиртирувчи, ҳаёт одамларнинг тақдиридан ҳикоя қилувчи мўъжизани китобдан бошқа қаердан топасан (ўрта асрларда кино, ойнаи жаҳон йўқ эди), буларнинг ҳам манбаи - китоб.

Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз

Китоб - ўзгача, рангин дунё. Китоб ўқисангиз, руҳ озиқланади, кўнгил покланади. Илоҳий бир оламга ошно бўласиз. Бинобарин, китоб тортиқ қиладиган лаззатнинг ўрнини ҳеч бир нарса боса олмайди.

Баҳром Рўзимуҳаммад

Китоб ўқиш даражасининг пасайганлиги бу ворислик анъаналарига жиддий путур етказди.

Тўра Мирзо

Ҳар қандай яхши китобнинг, шубҳасиз, белгиси - киши улғайган сари, унга кўпроқ ёқадигани.

Георг Лихтенбург

Пул борлигида мен китоблар, пул бўлмаганида эса, кийим-кечак ва озиқ-овқат харид қилдим.

Эразм Роттердамлик

Одамзодни яхшилик йўлига йўналтирувчи - бу китоб. Китоб - одамни ҳаётга нима учун келгани, нима учун яшаётгани, кимга

ўхшаса, яхши-ю, кимга ўхшаса, номаъқул эканлигини англашга ёрдам берадиган мўъжиза. Китоб ўқиган одам дунёқарашни кенг, шу билан бирга, сабр-матонатли, тоқатли инсон бўлади.

Бундан ташқари, китобдан олинган билим фундаментал илм ҳисобланади. Бугун ўқувчиларимиз, ёшларимиз бадиий адабиётга қизиқаётган бўлсалар, уни севаётган бўлсалар, ундан фақат қувониш керак. Бироқ Интернет - "ўргимчак тўри"га кўп ружу қўймаслиги тарафдориман.

Т. Саидов

Яхши китоб - кўнгил ва руҳият табиби

Муаллифи фақат айтилиши лозим гапларни лозим даражада айта олган китобларгина яхши китобдир.

Арасту

Яхши китобларни ўқиш ўтмиш замонларнинг энг доно кишилари билан ҳамсуҳбат бўлиш демакдир, шуниси ҳам борки, бу суҳбатда бизга улар ўзларининг энг яхши фикрларини баён этадилар.

Рене Декарт

Агар китоб юракда жасорат ва олижанобликни уйғотиб, қалбга кўтаринкилик бахш этса, уни айна ўша туйғулар билан баҳоланг: бу санъаткор қўли билан яратилган чинакам асардир.

Жан Де Лабрюйер

Кўхна ҳақиқатларни севишга ундовчи китоб энг яхши ва энг асл китоблардир.

Люк Де Кланье Вовенарг

Яхши ёзилган тарихий романлар тарих тўғрисидаги энг яхши дарсликларга тенг.

Бальзак

Илмий адабиёт кишиларни жаҳолатдан, нафис адабиёт эса дағалликдан ва разилликдан халос этади.

Чернишевский

Тафаккуримиз учун энг кўп ва ранг-баранг озуқа берувчи китоблар, назаримда, энг яхши китоблардир.

Анатоль Франс

Барча яхши китоблар бир жиҳати билан ўхшаш бўлади, ўқиб тугатаётганингиз сари, рўй бераётган воқеалар: яхшилик ёки ёмонликни, ҳаяжон, ғамгинлик ва афсус-надоматларми, одамлар ва жойларми, ҳатто об-ҳаво қандайлиги - шуларнинг бари худди сизда юз бергандек туюлаверади ва булар бир умрга кўнглингизга ўрнашиб қолади.

Хемингуэй

Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар: ҳозирги давримизда эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ лозим.

Жон Леббокф

Ўзингиз ва бошқалар учун китоб танлаш илмгина эмас, санъатдир.

Николай Александрович Рубакин

Яхши китоб ҳар қандай синовга ҳам бардош бера олади ва у бир умрга энг жиддий мураббий сифатида хотирада сақланиб қолади. Шундай китобларни танлай билмоқ лозим.

Петр Андреевич Павленко

Мутолаага берилиш - турмушда сўзсиз содир бўлиб турадиган зерикарли соатларини чексиз ҳузур-ҳаловат соатларига айлантириш деган сўз.

Шарль Монтескье

Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фирклашдан ҳам тўхтайдилар.

Дени Дидро

Китоблар билан муомала қилиш одамлар билан муомала қилишга тайёрлайди. Иккиси ҳам бирдай зарур.

Николай Карамзин

Ақлни пешламоқликда қадим даҳоларни ўқишдан кўра яхшироқ восита йўқ: улардан бирортасини ақалли ярим соатгина қўлингда тутсанг, ўзингни ўша заҳотиёқ қайтадан тугилгандек, руҳинг енгиллашгандек, ўзинг мусаффолашгандек, кўтаринкилик ва бардамликни ҳис этасан, гўё тип-тиниқ булоқда чўмилиб чиққандек бўласан.

Артур Шопенгауэр

Халқни маърифатли қилиш - уни ахлоқий юксалтириш деган сўз: уни саводхон қилиш маданий камолотга етказиш демакдир. Кунда ўқиладиган яхши китоблар таъсирида ҳар қандай дағаллик ҳам ўтда куйгандек куйиб боради.

Виктор Гюго

Буюк гоёлар ва олижаноб эҳтирослар манбаи бўлган шоҳ асарларни, асл китобларни ўқишга одатланинг.

Чернишевский

Агар биз билим орттириш ниятида китоб ўқир эканмиз, шошмай ўқишимиз, китобларда учрайдиган жами бизга нотаниш, ўрганишни истаган нарсаларимизни ёзиб боришимиз даркор.

Эмель Фаге

Қаердаки китоб бор экан, у ерда одам ўзи билан ўзи узлатда, ўз кўлами доирасида қолиб кетмайди, у ўтмиш ва бугунги куннинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади.

Стефан Цвейг

Юзаки варақлаб чиқиш бу ўқиш эмас. Одамнинг муқаддас дил сўзларини тинглаётгандай ўқиш керак. Китобга шўнғиш керак. Ана шунда у бағрини очади ва сен унинг бутун гўзаллигини англаб етасан.

Константин Александрович Федин

Ўз вақтида ўқилган китоб - тенгсиз ютуқ. Ҳаётингда энг яқин дўстинг ва устозингдан ҳам кўрмаган яхшиликни ундан кўришинг мумкин.

Петр Андреевич Павленко

Бу замонда ҳамдами роз ўлмагач, ўқиш керак,
Ҳар китобни ўқиганда маъносини уқиш керак.
Андин ўрганиб адаб илми, ғазал тўқиш керак,
Норасоликнинг жаҳонда томирин қирқиш керак,
Илмсиз афсунчиларга тиғи паррондур китоб.

Дилшод Отин

Бу китобни ўқиганим он,
Мен ўзимни сездим шодмон.
Кўз ўнгимда тамоми жаҳон
Сири бўлди менга намоён.

Мирзо Русво

Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёзса, буни ўқиган
ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Ўқувчининг қалбига
таъсир қилмаган нарсанинг адабиётга ҳеч тегишлиги йўқ.

Абдулла Қаҳҳор

Китоб ўқиган жуда яхши, чунки у билим хазинасидир, лекин
ҳаётни билган яна ҳам яхши, чунки китобнинг ўзи ҳам ҳаёт
меvasидир.

Р. Усмонов

Розимасман - сатрлар умри
Умрим билан бўлса баробар,
Олисларни ёритсин нури,
Олисларни этсин мунаввар.

Т. Сайдалиев

Изтироб чекиб ёзилган китоб роҳат қилиб ўқилади.

Ў. Ҳошимов

"Мутолаа инсонни тўлдиради!" - дейишади, дарҳақиқат, у
инсондаги бўшлиқларни зарур илмлар билан тўлдиради.

Дорис Лессинг

Китобхонликнинг иккита жиҳати бор. Тор маънода, у китоб
мутолааси билан шуғулланиш бўлса; кенг маънода, турли хил

нашрлар, китоб, газета ва журналларни ўқиб ахборот олишни билдиради. Китобхонлик кишидан муайян кўникмадан ташқари, зеҳнлиликни ҳам талаб қилади.

А. Умаров

Юз беъмани китоб мутолаасидан, бир нодоннинг суҳбати афзал.
Муҳаммад Исмоил

Мутолаанинг уч хили мавжуд: биринчиси, ўқиб тушунмаслик, иккинчиси, ўқиб тушуниш, учинчиси, ўқиш ва ҳатто ёзилмаган нарсани ҳам англаб етиш.

Я. Б. Княжнин

Китоб ҳақида афсона

Нақд қилишларича ўтган замонда бир ҳукмдор вазиру уламоларини чақириб: "Дунёда энг зўр, керакли, ҳамма нарсадан хабардор қилувчи нарса нима?" - деб савол берибди. Биров "Дунёда энг зўр нарса - қилич" деса, иккинчиси, "Энг кераклиси - нон", дебди. Ҳамма нарсадан хабар берувчи нарса - "Ойнаи жаҳон", дегувчилар ҳам топилибди.

- Уч кун муҳлат бераман, - дебди подшо ҳеч кимнинг жавоби ёқмаганлигидан дарғазаб бўлиб.

Қўшни подшоликда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшаётганидан вазирнинг хабари бор экан. Вазир: "Подшоҳнинг саволларига шу донишманддан бошқа ҳеч бир киши жавоб топа олмайди", - деб ўйлабди-да, уни излаб топиб подшоҳнинг олдига олиб келибди.

- Дунёда энг керакли нарса нима? - деб сўрабди донишманддан подшо.

- Китоб! - дебди донишманд ҳеч иккиланмай.

- Китоб?! - ажабланибди ҳукмдор.

- Ҳа, дунёда энг керакли нарса китоб, - такрорлабди сўзини донишманд. - Инсон учун ҳаётда икки нарса энг мўтабар ва азиз. Бу - нон билан китоб. Шу боисдан ҳам нон қанчалик мўтабар саналса, китоб ҳам шунчалик азиз. Нон - ризқ-рўз, дастурхон кўрки, ҳаёт баракаси. Ўтмишдан ҳикоя қилувчи тарих, бугунни акс

эттирувчи кўзгу, эртанги кунни айтиб берувчи мўъжиза эса китобдир. Покланиш, иймон бутунлиги, руҳий бойлик ҳам китобдандир. Китоб инсоннинг маслаҳатгўйи, доимий ҳамроҳидир. "Китоб кўрмаган одам нодондир, китоб кирмаган уй қоронғу зимистондир", - дейди донишмандлар.

- Шаҳаншоҳ, донишманд бу саволингизга ҳам тўғри жавоб қилди, - дейишибди сарой аҳли.

- Суву қуруқликдаги ҳамма жойлар, дунёдаги эзгу элатлар ҳақида хабар берувчи ҳам, сенингча, китобми? - аччиқланибди ҳукмдор.

- Ҳа, китоб, - дадил жавоб берибди донишманд. - Дунёни шундоққина кўз олдингизга келтириб қўядиган ҳам, ҳеч кўрмаган ва бир умр кўролмайдиган кишилар ҳамда жойлар билан таништирадиган ҳам шу китобдир. Мана мени олиб кўринг. Мен туғилиб ўсган қишлоғимдан бошқа ҳеч бир жойда бўлмаганман. Аммо Марвдан Машриққача, Ямандан Ясаргача яхши биламан, десам мақтанмаган бўламан. Ер юзида жамики одамзод бор - уларнинг ҳаёти, одатлари, расм- русумларидан озми-кўпми хабардорман. Бунга ана шу китоб орқали эришганман. Қуръони Карим, Ҳадиси шарифнинг мўъжизасини айтмай қўя қолайлик.

Донишманднинг берган жавобидан қониққан подшо: "Саройимда қолиб, бош маслаҳатгўйим бўл", - деб қанчалик ялинмасин, донишманд кўнмабди, ундан олган олтинларга эса бозордан китоб харид қилиб, қишлоғига қайтибди...

Китоб билан боғлиқ удумлардан намуналар

Китобни оёқ билан босиш қатъиян маън этилган, қаттиқ гуноҳ ҳисобланган. Зероки, китобда илм бор. Илм эса фавқулудда куч-қудратга эга мўъжиза.

* * *

Катта-кичик энг яхши совға сифатида бир-бирларига китоб тақдим қилган.

* * *

Китоб кўрган, шунингдек, уни ўқиб берувчи қорилар, қиссахонларнинг эл орасида обрўйи катта бўлган.

* * *

Китобнинг ҳар варағи нон каби мўътабар саналган. Ерда ётса олиб, кўзга суртилган-да, холироқ жойга қўйилган.

* * *

Китобнинг ҳар варағи зарга тенг ҳисобланган.

* * *

Болани ёшлиқдан китоб билан дўст бўлишга одатлантиришган.

* * *

Эл-юрт назарида китоб битган хаттот, уни тўплаган ва сақлаганлар алоҳида ҳурмат ва эътибор қозонганлар. Қуръон ва Ҳадиснинг ҳар бир жумласи муқаддас ҳисобланган.

Профессор Малик Муродов айтганларидан

Китоб - ақл чироғи. Китобни севинг! Ота-онанинг фарзандга, устознинг шогирдга доимий айтадиган, энг кўп тайинлайдиган даъвати, панду насиҳати бу!

Маълумки, маданиятли, тарбия топган оила халқимизнинг анъанавий таълим-тарбиясига амал қилган ҳолда, болада ёшлиқдан китобга меҳр қўйиш, уни севиш ва китобни муқаддас деб билишга одатлантиради. Бола китоб ўқишга ёшлиқдан одатландими, бу кўникма тобора ўсиб боради, мактабда эса у тўлиқ намоён бўлади. Аммо мактаб ҳамма нарсани беролмайди. Лекин у жуда муҳим - бугун маънавий ҳаётда ҳал қилувчи роль ўйнадиган бир кўникмани бера олади ва бериши керак. Бу - мустақил мутолаа, мустақил фикрлаш, мустақил таҳлил кўникмаси, мустақил ўқишга, китобга муҳаббат. Дарҳақиқат, оиладан бошланган китобга муҳаббат мактабда мустаҳкамланиб борилмаса, кейинчалик бу сусайиши ва ҳатто сўниши мумкин. Бунинг учун устознинг ўзи китобхон, китобсевар, қисқаси, китоб ўқишни ҳаётининг ажралмас қисми қилиб олмоғи, бошқача ибора билан айтганда, китоб билан сўзлаша билмоғи лозим.

Китоб ўқиш, китоб билан сўзлаша билиш, бирон-бир муаммо устида бош қотирганда минглаб китоблардан тўғри фойдалана билиш керак. Дарҳақиқат, китобни саралаб ўқиш ва унинг

мағзини уқа билиш, кутубхоналар билан мунтазам алоқада бўлиш, умуман, китобни ўз фаолияти ва ижоди билан боғлай олиш каби фазилатлар ҳар бир киши учун барқарор одатга айланиши керак. Ўзбек халқ анъанавий пандномаси, буюк мутафаккирларнинг китоб ҳақидаги ўғитлари ҳозирги кунда ҳам кишиларда хусусан, ёшларда китобга муҳаббат туйғусини тарбиялашда, мустақил мутолаа ва фикрлашни ўргатиш ва шу сингариларда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб маданияти. Кўпчилик юқоридаги бу жумладан ажабланиши мумкин. Наҳотки, "Китоб маданияти" бўлса!?" Ҳа, бор!

Ҳозирги замон кишиси китоб асрида яшамоқда. Чунки жаҳонда ҳар кун ярим миллиондан зиёд китоб босилиб чиқади. Бунинг устига, бениҳоят кўп журналлар, альманахлар, тўпламлар, газеталар... Кино, театр, радио, телевизор ва бошқа хилма-хил воситалар, истасанг-истамасанг, ахборот бериб туради. Чор-атрофни ўраб турган муҳит ҳам катта ахборот воситасидир. Мана шуларнинг орасидан инсон ўзига кераклигини ажратиб олоғи лозим, бу эса мутолаа-ўқиш маданияти қандай ва қай даражада тарбияланганига боғлиқ. Шу боисдан ҳам, китоб ўқиш маданияти хусусида халқ анъанавий пандномасининг минг йиллик тажрибаси ва талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, айрим мулоҳазаларимизни умумий планда ўртага ташлаб, ўртоқлашишни маъқул кўрдик. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, китоб ўқиш маданияти халқ анъанавий тарбия усулларига кўра жуда кенг тушунча ва бағоят мураккаб муаммо бўлиб, тахминан куйидаги ҳолатларни ўз ичига олади.

- 1) китоб танлай олиш;
- 2) китобни қандай ўқишни билиш;
- 3) китоб ўқиганда нималарга эътибор бериш ва нималарни эсда сақлаб қолиш;
- 4) керакли маълумотларни қаердан, қандай, қайси воситалардан топиш;
- 5) олинган билимни ёки хабарни қандай етказиб бериш;
- 6) қайта ўқиш - китобхонлик кўникмасига одатлантириш;
- 7) кутубхона картотекалари билан ишлай билиш;
- 8) китобни тез ва секин ўқишни фарқлай олиш;
- 9) китобни ўқиб, унинг фусункор оламига кира билиш;
- 10) китобни мустақил ўқий билиш;
- 11) китобни тарғиб-ташвиқ қила билиш.

Адабиётшунос олим Абдулла Аъзамнинг китоб ўқимайдиганларга фойдаси йўқ пандлари

Болаларни кимгадир зарур бўлгани учун эмас, балки улар бахтли бўлишлари учун китоб ўқишга ўргатиш керак. Чунки, бир томондан, адабиёт - санъатнинг бир муҳим тури. Умри давомида куй ва кўшиқдан, кино, театр, тасвирий санъат, архитектура асарларидан, гўзал манзаралардан, гуллардан завқланмай ўтган одам ким-у, китоб ўқиб завқланмай ўтган одам ким? Иккинчи томондан, китоб тафаккур озиғидир.

Китоб саодат топиш учун ўқилмайди. Унутмаслик керакки, китоб ўқишнинг ўзи - олий саодат.

* * *

Китоб ўқиш бой қиладими? Моддий маънода бойишга кафолат бермайди, албатта. Лекин китоб ўқимаслик маънавий қашшоқ қилиши тайин.

* * *

Эй ўқимайдиганлар, гап-сўзларингиздан ўқимаслигингиз саримсоқ чайнагандай анқиб туриши ўзингизга маълумми?

* * *

Фақат касбга оид адабиётни ўқиш билан чекланиш "ҳаётнинг мазмунини еб-ичишдан иборатдир" деган ақиданинг бир тури.

* * *

Ҳар даврнинг ўз китоблари бор. Савод энди чиққан пайтда ўқиладиган китоблар бор - ўқимаган болалик - кемтик, умр шомиди ўқиладиган китоблар бор - ўқимаган кексалик - зулмат.

* * *

Фарзандини китоб ўқишга ўргатмаган ота-она, аслида, уни саводсиз қилиб тарбиялаган бўлади.

* * *

Китоб ўқиш - китобни қўлга олишдан бошланади. Шундай китоблар борки, балки уларни ўқирсиз, ё ўқий бошлагандирсиз,

ёки бир неча марта ўқиб чиққандирсиз, барибир қўлга олишингиз билан руҳиятингизда ўша заҳоти ўзгариш рўй беради. Агар сиз бу ҳодисага йўлиқмаган бўлсангиз, билингки, ҳали китоб ўқимабсиз.

* * *

Китоб ўқиш мобайнида ҳар ҳаяжонланганда қалб силкиниб, гардлари қоқилади, кўзлар ҳар сафар намланганда эса ювилиб покланади.

* * *

Китоб мутолаасисиз ижод имконияти чекланган. Ижоднинг тури кўп. Бадиий асарлар ўқимай бадиий ижод билан шуғулланиш кулгили, оқибати эса ачинарли. Илмий асарларни ўқимай, илмий ижод билан шуғулланиш қалбакилик, оқибати - умр зое бўлиши.

Соддароқ ҳолатни, масалан, гулчиликни олайлик. Бунинг учун ўқиш шартми, кўриб-ўрганиш ҳам мумкинку? Йўқ. Кўриб-ўрганиш кишини тақлидга мойил этади, ўқиб-ўрганиш эса, ижодга. Ўқиб-ўрганиш ва кўриб-ўрганиш бир-бирини тўлдирганда энг яхши самара беради.

* * *

Китоб ўқимасдан ижод қилаётган одам - буғдой солмай ун тортаётган тегирмончидай гап.

* * *

Ижод қилолмайдиган цивилизация кўлмак сувдай айнийди. Китоб ўқимайдиган цивилизация оқиши мумкин. Лекин оқава ҳам оқади.

Ўқинг, бу - қизиқ!

Илк бор нашрдан чиқарилган китоб 1454 йилда Иоганн Гутенберг томонидан Германиянинг Майнц шаҳрида чоп этилган 42 қаторли инжилдир.

* * *

1998 йилда Лондонда инглиз ёзувчиси Жефри Чосернинг "Кентербер воқеалари" асари нақд 7 394 000 долларга сотиб олинган. Адабиётнинг бебаҳо дурдонаси ҳисобланмиш яна бир асар Леонардо Да Винчининг "Лейчестер кодекси" (оригинал кўлёзма) 1994 йилнинг 11 ноябрида Нью-Йоркда 30,8 миллион

долларга сотилган. Уни коинот миллиардери, "Майкрософт" асосчиси Билл Гейтс харид қилган.

* * *

Ёзувчилар орасида машхурларнинг машхури номини бир неча ўн йиллардан бери Агата Кристи эгаллаб турибди. Адибанинг 78 та асари 44 тилга таржима қилиниб, 2 миллиард нусхада сотилган.

* * *

Энг кўп сотиладиган китоб Инжил ҳисобланади. У 1815 йилдан то 1999 йилга қадар 3,88 миллиард нусхада сотилган. Энг машхур китоблар рейтингиди иккинчи ўрин "Гиннес" рекордлар китобига тегишли.

* * *

Энг сермахсул ёзувчи бразилиялик Жозе Карлос Рьоки де-Альпоимдир. 1986 йилдан 1996 йилга қадар ёзувчининг 1046 та илмий-фантастик романлари чоп этилган. Аммо у ҳам чемпионлик бобида 1800 та шеърий пьесалар муаллифи бўлган испан драматурги Лопе де-Вегага ета олмаслиги аниқ. Энг қизиғи, ёзувчи ҳеч бир пьесаси устида 3 кундан ортиқ муддат ишламаган.

* * *

Энг кекса ёзувчилар - америкалик опа-сингиллар Сара ва Элизабет Дэлэнилар ҳисобланишади. 1994 йилда ушбу адибаларнинг "Опа-сингил Дэлэниларнинг кундалик тажрибалари" номли китоби чоп этилганда, уларнинг бири 103, иккинчиси эса 105 ёшни қаршилаганди.

* * *

Энг узун таржимаи ҳол Британия Бош вазири сэр Уинстон Черчиллга тегишли. Бош вазирнинг ўғиллари Рендольф ва Мартинлар томонидан ёзилган ушбу китоб нақд 22 та қалин томлардан иборат эди.

* * *

Жаҳондаги энг йирик нашр 1112 томли Британия парламенти ҳужжатлари нашри саналади. У Ирланд университети томонидан 1968 - 1972 йилларда чоп этилган. Ҳужжатлар оғирлиги 3,3 тоннага тенг. Нашрни тўлиқ ўқиб чиқиш учун (ҳар бир суткада ўн соатдан ўқилган тақдирда) 6 йил сарфлаш лозим бўлади.

* * *

Дунёдаги энг катта лугат 1854 йилда Якоб ва Вильгельм Гриммлар томонидан ёзила бошлаган "Немис тили лугати" саналади. Лугат тузиш ишларини бошқа муаллифлар давом эттиришган ва бу жараён 1971 йилга келиб ўз поёнига етган. Лугат 34 519 саҳифани ўз ичига олган бўлиб, у 33 том тарзида нашрдан чиқарилган.

* * *

Дунёдаги энг узун сарлавҳа 1633 йилда Лондонда чиққан театр ҳақидаги танқидий китобга тааллуқлидир. 45 қатордан иборат бўлган сарлавҳа актёр ва режиссёрларга қаратилган ҳақоратлардан иборат эди.

* * *

Курраи заминдаги энг улкан китоб 1832 йил Лондонда 100 нусхада чоп этилган "Инглиз қаҳрамонлари пантеони"дир. Унинг узунлиги - 8 ярд, эни - 4 ярд (1 ярд 0,91 метрга тенг). Ҳарфлар катталиги - 0,5 фут (15 см дан катгароқ)ни ташкил этган.

* * *

Дунёдаги энг оғир китоб 50 кг вазнга эга. Веллингтонда атиги бир неча нусхада чоп этилган бу китобда Янги Зелландиядаги регби (спорт турларидан бири)нинг ривожланиш тарихи акс этган.

* * *

Жаҳондаги энг кичик китоб "Қари қирол Коул" эртақ китоби ҳисобланади. Китоб ўлчами 1 квадрат миллиметрди. У 1985 йилда 85 нусхада чоп этилган.

* * *

АҚШнинг Колорадо штатидаги Денавер деган шаҳарда чоп этилиб "Супер" номини олган китоб асримиздаги энг катта ва ғаройиб китоблардан саналади. Унинг ўлчами энига 2 метру 74 см, бўйи 3 метру 07 см бўлиб, оғирлиги эса 252 кг. ни ташкил этар экан.

Китоб эгаси уни кўргани келган кишиларга: "Ана, турибди. Ўзингиз олиб кўра қолинг", - дер экан ҳазиллашиб.

Матбуотчилар томонидан озми-кўпми заҳматли меҳнат билан яратилган бу мўъжиза - китоб анча оғирлигига қарамасдан қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган эмиш.

Китобхонада ўтирган одам

Китобхонада ўтирган одам,
Китоб - хаёлинг тахти.
Ҳақ чашмидин сув ичган чидам,
Сен - эзгулик дарахти.

Китоб қидирасан, китоб титасан,
Ўзгарган имлолар мағзини чақиб,
Саргайган варақлар чангин ютасан
Фақру фано мақомин тақиб.

Китобхонада ўтирган одам...
Сен - элатсан, сен - халқсан,
Сен - миллатсан, сен - Ватан.
Руҳида хурлик балққан
Соҳибназарсан, зотан.
Сен - гурурсан, сен - қадр,
Сен - номуссан, сен - орсан.
Ботини - нурга адр,
Заҳири - дилга ёрсан.

Сен - хотира, сен - қадим,
Сен - бугунсан, сен - эрта.
Сен - узуқ-юлуқ одим -
Йўллар чизган харита.

Сен - армонсан, сен - умид,
Сен - ўзликсан, сен - ўзсан.
Сен - англаш деган Вужуд
Англаган улуг СЎЗСАН.

Китобхонада ўтирган одам,
Китоб - хаёлинг тахти.
Ҳақ чашмидин сув ичган чидам,
Сен - эзгулик дарахти.

Икром Отамурод

"Китоб ва китобхонлик" мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан мақсад китобнинг яратилиши, китоб ҳақидаги алломалар ва мутафаккирлар, олимлар, ёзувчилар айтган ибратли битиклари, китоб танлаш ва ўқиш, китобхонлик тўғрисида нашр этилган асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга, асосан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари бакалаврлари ва магистрлари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари иккита гуруҳга мўлжаллаб саволлар тузиб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини мавзуга доир алоҳида нашрларга ва илмий ҳамда бадиий асарларга, китоб, китобхонлик тўғрисида ёзилган илмий ва оммабоп-публицистик мақолаларга қаратиш керак. Беллашув ўказиладиган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида, кутубхонада мавзунини акс эттирадиган китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Китоб нима?

Китоб - ахборотларни, ғоя, образ ва билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш, ижтимоий-сиёсий, илмий, эстетик қарашларни шакллантириш воситаси.

2. "Китоб ўқишни биласизми?" номли китобнинг муаллифи ким?

"Китоб ўқишни биласизми?" номли китобни Сафо Матжон ёзган.

3. Ёшларни китоб ўқишни унутиб қўйишига сабаб нима?

Ҳозирги техника асрида, ҳақиқатдан ҳам, айрим ёшлар китоб ўқишни унутиб қўйишган. Балки бунга сабаб катталарнинг, оналарнинг ёшларга китоб ўқишнинг туб моҳиятини замонавий усуллар билан кўрсатиб бера олмаётганликларидир. Тарғибот етарли бўлса, ёшларнинг бадиий адабиётга, умуман, китобга бўлган

муносабати ўзгарар. Унга китоб ўқишининг нақадар завқли машғулот эканлигини тушунтириб бериш керак, холос.

4. Китоб ҳақидаги ўзбек халқ мақолларидан намуналар келтиринг.

Китоб - ақл қайроғи.

* * *

Китоб кўрмаган калла -

Гиёҳ унмаган дала.

* * *

Китобсиз ақл - қанотсиз қуш.

5. Ушбу келтирилган ибратли битикнинг муаллифини топинг.

"Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан ҳоли ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бор-у, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан гийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам: "Китоб ақл қалъасидир" деганлар".

Юқорида келтирилган ибратли битик аллома Муҳаммад Жабалрудийнинг қаламига мансубдир.

6. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида 2008 йил қандай йил деб эълон қилинганди?

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида "2008 йил - Адабиёт ва мутолаа йили" деб эълон қилинган.

7. Ушбу келтирилган фикрлар қайси файласуфнинг қаламига мансуб?

"Китоблар билан бизнинг муносабатимиз одамлар билан муносабатимизга ўхшайди. Жуда кўплар билан танишамиз-у, фақат баъзиларинигина ўзимизга дўст билиб, бир умрлик самимий йўлдош қилиб танлаймиз.

Юқорида келтирилган фикрлар немис файласуфи Людвиг Фейербахнинг қаламига мансуб.

8. Инглиз драматургларидан қайси бири ушбу фикрларни билдирган?

"Китоб менга тожу тахтдан ортиқроқ".

Юқорида келтирилган фикр инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг қаламига мансуб.

9. Ўрта аср шарқ олими Ёқут ватандошимиз Ал-Берунийнинг қайси китобига юқори баҳо берган?

Ўрта аср шарқ олими Ёқут: "Берунийнинг "Масъуд қонуни" китоби математика ва астрономия соҳасида унғача ёзилган жамики китобларнинг борини босиб кетади" деган.

10. Ушбу келтирилган жумла кимнинг қаламига мансуб?

"Янги тоифадаги асар янги тоифадаги китобхонни яратади".

Келтирилган жумла А. Луначарскийнинг қаламига мансубдир.

11. Республикамизда мутолаа, китобхонлик ва бошқа мавзуларда қандай оммавий тадбирлар ўтказилади?

Республикамизда "Мутолаа байрами", Йил китобхони" ва бошқа тадбирлар, танловлар ўтказилади.

12. Носир Муҳаммаднинг китоб ҳақида айтилган битикларидан мисол келтиринг.

"Китоблар аждодларнинг ўз авлодларига қолдирган васиятномасидир" деган битиги бор.

13. Арман шоири Егише Чаренцнинг китоб ҳақидаги тўртлигини келтиринг.

Китоблар бор уммонлардан қаъри чуқур,

Китоблар бор гулшанлардан тароватли

Китоблар бор тўлқинлардан юксак гурур,

Китоблар бор шифо қўлдан саҳоватли.

14. Ушбу келтирилган парча қайси ёзувчининг қаламига мансуб?

"Ҳар ким бир нарса ёзар экан, олдин виждонини тарозу қилсин-да, қалам юритсин..."

Юқорида келтирилган парча ёзувчи Абдулла Қодирийнинг қаламига мансуб.

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Ҳакамлар ҳайъатига адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар ва бошқалар таклиф этилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

"Китоб ҳақида хитоб" мавзусида тематик-бадий кеча сценарийси

Тадбирни АКМ, АРМ ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин. Бунинг учун сахна шароити ҳам эътиборга олинади. Тадбирда адабиётлар кўргазмаси ташкил қилиш ва обзор ўтказиш мақсадга мувофиқ. Сценарийдаги олиб борувчилар ва иштирокчилар сўзи намуна сифатида берилмоқда. Тадбирни Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни (23 апрел), китобга бағишланган кунларда ёки байрамларда ўтказиш мумкин.

Тадбирга ўқув юртлари ўқувчиларини, китобхонларни таклиф этиш мумкин.

Бадий кечани 2 нафар бошловчи йигит ва қиз олиб боради.

1-бошловчи: Ассалому алайкум, кечамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар!

2-бошловчи: Ассалому алайкум, давра иштирокчилари, кечамизга хуш келибсиз.

1-бошловчи: Атоқли ўзбек ёзувчиси Ойбек шундай деган эди: "Китоблар инсон тафаккурининг жавоҳирларини йиғиб, авлодларга мерос қилиб қолдиради" ёки Дени Дидронинг машҳур нақлини эслайлик: "Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар..." Хўш, бугунги кунда китоб танлаш, ўқиш ва мутолаа қандай?

2-бошловчи: Бизнинг кутубхонамиз шу муносабат билан "Китоб ҳақида хитоб" мавзусида кеча тайёрлаган.

1-бошловчи:

Шунда очилади аста китобинг,
Варақлар куйлайди овозинг бўлиб.
Унда бор юрагинг, меҳринг, хитобинг,
Қушдек қанот қоқар парвозинг бўлиб.

2-бошловчи:

Дейдиларки, китоб - офтоб,
Минг офтобга бергусиз китоб.
Кун нуридан кўз бўлар равшан,
Китоб дилга берар обу тоб.

1-бошловчи: Эъзозхон, бугунги кечамизга адабиётшуносни таклиф этганмиз. Келинг, ҳозир уларни даврага таклиф

этсак-да, улар бизларга китобнинг инсон тафаккурини ривожланишидаги ўрни, китоб ўқиш интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, ҳар доим мутолаа билан шуғулланиш ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашсалар. Марҳамат!

Адабиётшуноснинг чиқиши.

2-бошловчи: Сермазмун фикрларингиз учун ташаккур.

1-бошловчи: Ўрта асрларда хорижий мамлакат зодагон оилаларида бир удум бўлган экан: мутолаага сусткашлик қилган фарзанд ота-она меросидан маҳрум этиларкан. Шунга ўхшаш одат ҳозир ҳам баъзи мамлакатларда бор. Масалан, Мексикада полиция ходимлари ҳар ойда лоақал битта китоб мутолаа қилмаса, ишдан бўшатилади. Бизнингча, бу муносабатлардан кўзланган асосий мақсад - одамларни мунтазам мутолаа билан шуғулланишга даъват этиш, китобга меҳр уйғотишдир.

2-бошловчи: Бинобарин, китобсиз юксак маънавият ва маърифатни, эртанги кунни, айниқса, миллат келажагини тасаввур этиб бўлмайди.

1-бошловчи: Ўзозахон, бугунги кечамиз китоб мавзусида экан, ёшларнинг китоб танлаш ва мутолаа ҳақидаги фикрлари билан танишсак, яхши бўларди.

Шу пайт сахнадан бир йигит ўтиб кетаётган бўлади.

1-бошловчи: Оғайни, тўхтанг, сизга саволим бор.

Йигит тўхтади ва бошловчи билан саломлашади.

1-бошловчи: Айтинг-чи, китоб сиз учун нима, китоб мутолаа қилиб турасизми?

Йигит бир зум хаёл суриб қолади.

Йигит: Китобми? Мактабда жуда кўп ўқиганман (*Йигит қўл ҳаракати билан китобдан тўйганликни ифодаловчи ҳаракатни кўрсатади*). Лекин ҳозир китоб мутолаа қилмайман. Сабаб, савдо билан шуғулланаман. Вақт йўқ. Пул топиш асосий ўринда туради. Китобнинг бошқа фойдали томонлари ҳам бор.

2-бошловчи: Масалан, қандай?

Йигит: Кимгадир совға қилиш, бир жойдан бошқа жойга бориб нархи устига пул қўйиб сотиш, яъни даромадни кўпайтириш. Хуллас, фойдали жиҳатлари бисёр. Бошқа саволлар йўқми? Мен кетдим, хайр.

Йигит шоша-пиша кетиб қолади.

2-бошловчи: Товба қилдим, бу йигит учун китоб - даромад топиш, пул тўплаш экан-да.

1-бошловчи: Келинг, энди ҳув анави келаётган қизни тўхтатиб саволга тутамиз.

Саҳнада қўлида китоб билан бир қиз ўтиб кетаётган бўлади. Бошловчилар уни тўхтатиб саломлашадилар.

1-бошловчи: Сиз, албатта, китоб мутолаа қиласиз, тўғрими?

Қиз: Ҳа, мутолаа қиламан.

2-бошловчи: Китобни нима мақсадда ўқийсиз?

Қиз: Нима мақсадда бўларди? Кўпроқ ахборот ва маълумотлар олиш, руҳий дунёмни бойитиш, тафаккуримни чархлаш, маънавий қадриятларимиз ва бой меросларимиздан баҳраманд бўлиш учун. Ёзувчи Ё. Шукуров айтганларидек: "Китоб-ажойиботлар, жавоҳирлар денгизи бўлса, китобхон уни ўрганувчидир. Бинобарин, доно китобхон денгиз тубига чуқурроқ кириб, ўз истиқболини безайдиган жавоҳирларни териб олса, нодон китобхон денгиз устидаги пўкак сингари сузиб юради". Мен ўз истиқболим учун ўша жавоҳирларни териб олишни истайман.

2-бошловчи: Аммо баъзилар китоб бошқа, ҳаёт бошқа, дейдилар.

Қиз: Менимча, китобий билим ва ҳаётий билим - бу бир-бирини узвий тўлдирувчи, инсон учун энг зарур нарсалар. Ақлли одам интеллектуал салоҳиятини кенгайтириш учун ҳар иккисига етарли эътибор беради ва икковини эгалламай туриб, биттасининг ўзини ўзлаштиролмаслигини билади (*қиз саҳнадан чиқиб кетади*).

2-бошловчи: Кўрдингизми, шундай китобсеварлар ҳам бор.

1-бошловчи: Келинглари, азизлар, энди сўз навбатини журналистга берсак. Уларнинг ҳозирги кунда ёшлар қандай адабиётларни қизиқиш билан танлаётгани ва мутолаа қилаётгани ҳақидаги маълумотлари билан танишсак.

Журналистнинг чиқиши.

2-бошловчи: Эндиги навбатни санъакорларимизга берамиз. Марҳамат.

Қўшиқ ижро этилади.

1-бошловчи: Раҳмат, ижодларингизга барака тилаймиз.

2-бошловчи: Мана, бугунги кечамиз ҳам поёнига етиб қолди. Кечамизни якунлар эканмиз, барчангизга китоб билан доимо ошно бўлишингизни тилаб қоламиз.

1-бошловчи: Кейинги тадбирларда учрашгунча хайр.

2-бошловчи: Хайр, соғ-омон бўлинглар.

"Китоб тарғиботи" мавзусида давра суҳбати учун саволлар

1. Бугунги кундаги китоб тарғиботи сизни қониқтирадими?
2. Китоб тарғиботида "Китоб тақдимоти" қандай роль ўйнайди?
3. Китоб тарғиботида ўтказиладиган тадбирларнинг ўрни қандай?
4. Китоб тарғиботи ҳақидаги фикрингизни билдирсангиз?
5. Китоб тарғиботи китоб савдосига таъсир этадими?

"Мутолаа маданияти" мавзусида мунозара кечасини ўтказиш учун саволлар

1. Китобми ёки Интернет...?
2. Электрон кутубхона афзалми ёки анъанавий кутубхоналар?
3. Бир йилда китобхон қанча адабиёт ўқийди?
4. Китобхонлик урфдан қолдимиз?

"Китоб - ақл қайроғи" мавзусидаги китоб кўргазмасини ташkil этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида, кутубхонада ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

1. Китоб - олам чароғи

*Китоб - ҳаёт кўзгуси. У шундай кўзгуки,
унда дунёнинг бутун ажойиботлари, инсон
билиши шарт бўлган мўъжизалар, тарихнинг
минг йиллик ҳикматлари намоён бўлади.*

Ё. Шукуров

Бу бўлимда китоб яратилишига ва тузилишига, китоб санъатига оид бўлган нашрлар ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган манбалар намоён этилади.

2. Китоб - тафаккурни ёритувчи офтоб

*Китоблар умрбоқийлик хусусиятига эга.
Улар инсон тафаккурининг энг мангуликка
дахлдор маҳсулидир.*

С. Смайилс

Бу бўлимда буюк даҳолар ва аждодларимиз, мутафаккирлар, олимлар, ота-боболаримизнинг китоб, китобнинг моҳияти, китоб танлаш ва мутолаа қилиш ҳақида айтган ибратли битиклари ҳақидаги нашрлар намоиш этилади.

3. Китоб - қалб гавҳари, кўнгил офтоби

*Китоб - барча бунёдкорлик, яратувчилик
ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир.
Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.*

Амир Темур

Бу бўлимда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар томонидан китобхонлик, китоб ўқилиши, мутолаа ва мутолаа маданиятига оид олиб борилаётган ишлари акс эттирилган илмий ва оммабоп нашрлар ҳамда вақтли матбуот саҳифаларда чоп этилган материаллар намоиш этилади.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида, кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Китобхонлар конференцияси

1. "Мутолаа маданияти".
2. "Китобхонлик - маънавий эҳтиёж".
3. "Шахс маданиятини шакллантиришда китобнинг ўрни".
4. "Китоб - билим манбаи".
5. "Китоб - менинг дўстим" каби мавзуларда.
"Китоб - офтоб", "Китоб - мўъжиза" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. "Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда китобнинг ўрни".
2. "Мутолаа санъати".
3. "Китоб, китобхонлик".
4. "Китоб - руҳ озиғи".
5. "Китоб - миллий тафаккур онаси".
6. "Китобсиз дунё ҳидсиз гулга ўхшайди" каби мавзуларда.
"Китобдан яхшироқ дўст йўқ", "XXI аср китобхони", "Китоб буюк кучдир" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. "Китоб танлаш ҳақида замондош зиёлиларимиз фикрларини биласизми?"
2. "Мутолаа ва мутолаа маданияти ҳақидаги нималарни биласиз?"
3. "Алломалар китоб ҳақида"
4. "Янги китоб - янги олам".
"Китоб нондай азиз", "Илм - китобда", "Китобдир беминнат, беғараз устод" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. "Ёзувчи ва шоирлар ижодида китобнинг ўрни".
2. "Мутафаккирлар ижодида китоб танлаш, ўқишнинг улуғланиши".
3. "Китобхонликни кўпайтиришнинг усул ва шакллари".
4. "Китобсиз ҳаёт жаҳолатдир".
5. "Китоб - содиқ дўст ва азиз меҳмон" каби мавзуларда.
"Энг яхши дўст", "Билимлар кони", "Энг улуғ мўъжиза" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. "Мутафаккирларнинг китоб ҳақидаги фикрларини биласизми?"
2. "Ёшлар китобни қандай ўқийди?".
"Китоб ақл қалъасидир", "Китоб - хазина", "Китоб - муаллим" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Шеърхонлик кечаси

1. "Азалий, абадий покиза китоб".
2. "Шеърларда битилган китоб мадҳи".
3. "Китоб - офтоб" каби мавзуларда.
"Одоб бўстони", "Илм чашмаси", "Китоб таровати мисоли сабоқ" каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Олимлар, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган китобларни театр саҳналарида ижобий образларни яратган санъаткорлар билан:

а) Санъаткорлар билан учрашув.

1. Зиқир Муҳаммаджонов.
2. Муҳаммадали Абдуқундузов.
3. Ёқуб Аҳмедов.

б) Диний идора вакиллари ва ҳожи ота, ҳожи онахонларимиз билан учрашув.

1. Усмонхон Алимов.
2. Абдураззоқ ҳожи Юнусов.
3. Анвар қори Турсунов.

в) Китоб ва китобхонлик, мутолаа ва мутолаа маданияти тўғрисида монография, рисола ҳамда илмий мақолалар ёзган олимлар билан учрашув.

1. Абдусалом Умаров.
2. Эркин Охунжонов.
3. Абдулла Аъзамов.
4. Иброҳим Йўлдошев.

г) Шоир ва ёзувчилар билан учрашув.

1. Абдулла Орипов.
2. Эркин Воҳидов.
3. Турсуной Содиқова.
4. Ойдин Ҳожиева.

Адабиётлар

Каримов И. А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи.- 1997 й. 29 авг.-Т.: Шарқ, 1997.-63 б.

Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.13.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-448 б.

Йўлдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон.-Т.: Ўзбекистон, 2003.-298 б.

Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш: Ўқув қўлланма.-Т.: Ўзбекистон, 2002.-128 б.

Матжон Сафо. Китоб ўқишни биласизми?: (китобхон билан мулоқот)-Т.:Ўқитувчи, 1993.-144 б.

Машриқзамин - ҳикмат бўстони /Таржимон, тўпловчи, маълумотнома ҳамда изоҳлар муаллифлари: Ҳ.Ҳомидий ва М.Ҳасаний.- Тўлд. 2- нашр.-Т.: Шарқ, 2008.-464 б.

Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони /Араб, форс, турк, татар ва озарбайжон тилларидан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси.-Т.: Фан, 1994.-218 б.

Оталар сўзи - ақлинг кўзи /Тузувчи-муаллиф Е.Саитов.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-176 б.

Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт /Масъул муҳаррир М.Бекмуродов.-Т.: Фан, 2004.-192 б.

* * *

Абдулазизов А. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юрларида шахс мутолаа субъекти сифатида //Fan, ta`lim, madaniyat va biznes sohalarida internet va kutubxona-axborot resurslaridan foydalanish: "Central Asia - 2008" konferensiya materiallari.- Farg'ona.- 2008.-В.300-304.

Абдушукуров М. Китоб ўқиш урфдан қолдими?: [Инсоният тамаддунида китобнинг ўрни ҳақида] //Адолат.-2008.-18 апр.

Абдуғаниев М. Китобхонлик урфдан қолмайди: [Ҳозирги даврда кутубхона, китобхонлик масалалари хусусида] //Адолат.-2006.-3 март.

Аъзамов А. Китоб (Китоб ўқимайдиганларга фойдаси йўқ пандлар) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-27 авг.

Бобомуродов Б. Китоб ўқиганнинг қалби //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2002.-8 февр.

Дадаева О. Нега китоб ўқимай кўйдик?: [Бугунги кун ёшлари, китоб, кутубхоналар ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-2005.-24 дек.

Жуманиёзов А. Кутубхонами ёки интернет... Сиз нима дейсиз? //Маърифат.-2007.-10 янв.

Жўраева Қ. Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда //Жамият.-2008.-18 апр.

Жўрақулов У. Китобхонлик - маънавий эҳтиёж //Талабалар дунёси.-2009.-№ 7.-Б.14-15.

Ибрагимов Х. Китоб - офтоб //Фидокор.-2006.-14 февр.

Йўлдошева Э. Хазиначилар маскани //Мулоқот.-2001.-№ 6.-Б.29-30.

Муталова Д. Китобимиз қадрига етайлик: [Китоб ва китобхонлар хусусида] //Қадрият.-2006.-21 янв.

Ниёзов В. Китобдан яхши дўст йўқ //Маърифат.-2005.-12 окт.

Ниёзова Ш. Китобхоннинг ҳам китобхони бор //Маърифат.-2009.-29 апр.

Норқулов Х. Китоб инсон маънавиятини бойитади //Хуррият.-2009.-19 апр.

Отабоев А. Кўпроқ ўқиш руҳингизни бойитади //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2002.-12 авг.

Полвонова К. Китоб жавонингиз борми? //Маърифат.-2007.-17 июль.

Раҳимбоева Қ. Китобдан яхши ёр бўлмас: [Мутолаа, китобхонлик ҳақида мушоҳада] //Тошкент ҳафтанома.-2004.-9 сент.

Раҳимбоева Қ. Китобнинг завқи бошқача: [Ҳозирги замон кутубхоналарида электрон шаклда яратилган китоблар ва китобхонлар ҳақида] //Туркистон.-2008.-14 июнь.

Розиқова Ё. Мутолаа сирини биласизми? //Тошкент оқшоми.-1994.-17 июнь.

Сатторий Ҳаким. Китоб - ҳаёт шамчироғи //Хуррият.-2009.-22 июль.

Саъдий Маҳмуд. Мутолаа санъати //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2003.-26 дек.

Саъдинов Ж. Оламнинг ойнаси //Маърифат.-2006.-15 март.

Султонова Б. Уйингиздаги кутубхона энг катта бойликдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2010.-5 февр.

Тўйманова Х. Китоб ҳамиша керак //Маърифат.-2006.-11 окт.

Тўраева О. Оз-оз ўрганиб, доно бўлишар //Маърифат.-2008.-11 июнь.

Умаров А. Жамиятда мутолаа маданиятини шакллантириш ва кутубхоначилик муаммолари //Fan, ta`lim, madaniyat va biznes sohalarida internet va kutubxona-axborot resurslaridan foydalanish:

"Central Asia - 2004" konferensiya materiallari.- Toshkent, Samarqand.- 2004.-В. 4-10.

Умаров А. Китоб ва китобхон: анъаналар ва янгиликлар //Соғлом авлод учун.-2003.-№ 11.-Б.16-20.

Умаров А. Китоб - олам чироғи //Халқ сўзи.-2007.-8 авг.

Умаров А. Кутубхона фаолияти ва мутолаа маданияти //Жамият ва бошқарув.-2004.-№ 1.-Б.14-18.

Умаров А. Кутубхона - ёшлар мулоқот маскани //Бетгерхонлик - 2008: "Кутубхона: ёшлар тилида мулоқот" мавзусидаги давра суҳбати материаллари тўплами.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009.-Б.9-12.

Умаров А. Мутолаа маданияти - тараққиёт омили //Бетгерхонлик-2003: "Кутубхона устиворлиги" давра суҳбати материаллари.-Т., 2003.-Б.14-22.

Умаров А. Мутолаа маданияти (китоб инсон учунми ёки инсон китоб учунми?) //Ҳаёт ва қонун.-2004.-№ 6.-Б.74-76.

Умаров А. Мутолаа маданиятини шакллантиришда оммавий кутубхоналарнинг ўрни //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2004.-№ 4.-Б.135-140.

Умаров А. Мутолаа - эҳтиёж фарзанди //Ҳаёт ва қонун.-2005.-№ 2.-Б.71-73.

Файзиев А. Китоб ўқиш керак: [Жамиятда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда китобнинг роли ҳақида] //Постда.-2008.-12 апр.

Фармонова Х. Китоб - обрў белгисими? //Хуррият.-2009.-8 июнь.

Худоёрова О. Китоблар қалбни ёритар //Маърифат.-2001.-24 окт.

XXI аср китобхони: [Китобни танлаш, XXI аср китобхони қандай манбага мурожаат қилиши, мутолаа маданияти ҳақида ёшлар давра суҳбати] /Суҳбатдош М.Маҳкамов //Адолат кўзгуси.-2008.-11-17 апр.

Ғаниева Б. Болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг муаммолари //Бетгер ўқишлари - 2004: "Кутубхона ресурсларидан фаол ва ижодий фойдаланиш муаммолари" Давра суҳбати материаллари.-Т., 2004.-Б.135-137.

Ғаниева Д. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантириш муаммолари //Fan, ta`lim, madaniyat va biznes sohalarida internet va kutubxona-axborot resurslaridan foydalanish: "Central Asia - 2006" konferensiya materiallari.-Urganch, Xiva.-2006.-В.97-101.

Ҳамидова Г. Китоб - билим булоғи //Тошкент оқшоми.-2003.-19 сент.

КИТОБ ВА МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

Методик-библиографик қўлланма

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Техник муҳаррир *А. Жўраев*
Саҳифаловчи *Ш. Жўрабоев*

Босишга 2010 йил 31 майда рухсат этилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ Ҳажми 2,75 б.т.
Адади 300 нусха. Буюртма №253

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси 33.